



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2022 йил 18 ноябрь, № 248 (8310)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЕХХТ БОШ КОТИБИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИНГ УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 ноябрь куни Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) бош котиби Хельга Шмид билан музокара ўтказди.



ЕХХТ билан ушбу ташкилот фаолиятининг учта — иқтисодий-экологик, сиёсий ва гуманитар йўналишларнинг барчасида ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Кейинги вақтда алоқалар фаоллашгани, очиқ ва конструктив мулоқот ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Ўзаро ҳамкорликка 30 йил тўлган жорий йил-

нинг ўзида Ўзбекистонга ЕХХТнинг амалдаги раиси Збигнев Пау ва ЕХХТнинг Миллий озчиликлар масалалари бўйича Олий комиссари Қайрат Абдурахмонов ташриф буюрди. Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси, Парламент Ассамблеяси ва ЕХХТнинг ОАВ эркинлиги бўйича вакили билан самарали ҳамкорлик олиб борилмоқда.

Ёшлар ўртасида рақамли қўникмаларни ривожлантириш бўйича ҳамда 2026 йилга қадар даврга мўлжалланган Террорчилик ва экстремизмга қарши курашиш стратегияси доирасида қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Сўхбат давомида ЕХХТ тузилмаларининг эксперт кўмаги, айниқса, Ўзбекистонда демократик ислохотларни давом эттириш ва фуқаролик жамияти

институтларини ривожлантириш масалаларида муҳим ўрин тутиши таъкидланди.

Иқтисодиёт ва экология йўналишларидаги ҳамкорликни кучайтириш, "яшил иқтисодиёт", рақамлаштириш, кичик бизнес ва экология соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш зарурлиги қайд этилди.

Минтақавий ва халқаро хавфсизликнинг долзарб муаммолари муҳокама қилинар экан, қўшни Афго-

нистондаги вазиятга алоҳида эътибор қаратилди. Афғон халқининг муҳим гуманитар эҳтиёжларини таъминлашга оид қўшма лойиҳаларни амалга оширишга келишиб олинди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI RASMIY TASHRIF BILAN FRANSIYADA B'ULADI

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макроннинг таклифига биноан жорий йилнинг 21-22 ноябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф дастурида Париж шаҳрида олий даражадаги икки томонлама музокаралар, Франция Парламентининг куйи палатаси — Миллий йигинида учрашув ҳамда ушбу мамлакатнинг етакчи компания ва банклари раҳбарлари иштирокида ишбилармонлик тadbирларини ўтказиш кўзда тутилган.

Кун тартибидан конструктив сиёсий мулоқотни янада ривожлантириш, кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш, энг аввало, иқтисодиётнинг турли тармоқларида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, фаол гуманитар ва таълим алмашинувларини давом эттириш масалалари ўрин олган.

Саммит якунида ўндан ортиқ икки томонлама муҳим ҳужжатлар, шунингдек, инвестиция битимлари ва савдо шартномалари тўламининг қабул қилиниши режалаштирилган.

Таъкидлаш жоизки, ташриф кунлари Франция пойтахтидаги жаҳонга машҳур Лувр музейи ва нуфузли Араб дунёси институтлари мамлакатимизнинг бой маданий ва тарихий меросига бағишланган ноёб кургасмалар очилади.

Бундан ташқари, шу кунларда Парижда Франциянинг «MEDEF» тadbиркорлар ҳаракати кўмаги билан ташкил этилган бизнес форуми бўлиб ўтмоқда.

ЎзА.

Дунё нигоҳи

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИДАГИ ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАР ЖАҲОН САРМОЯДОРЛАРИНИНГ ЭЪТИБОРИНИ ТОРТМОҚДА

16 ноябрь куни "Кўксарой" қароргоҳида Президент Шавкат Мирзиёев раислигида давлатимиз раҳбари ҳузурдаги Хорижий инвесторлар кенгашининг биринчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз раҳбари нутқ сўзлади. Ушбу маслаҳат органининг биринчи сессиясида узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли инвестиция ҳамкорлигини янада кенгайтириш, мамлакатимизда устувор йўналишларда аниқ кооперация лойиҳаларини амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Тadbирда Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одиль Рено-Бассо, "Suez", "Calix Holding", "Cengiz Enerji", "Halyk Bank", "VEON Group", "TBC Bank", Абу-Даби тараққиёт фонди, "ACWA Power", "Zepelin International AG", "EDF", "AME International", "CNH Industrial", "Youngone Corporation", "Procter & Gamble", "Mitsui", "Sojitz

Generation DMCC, "KIA Motors", "General Electric", "John Deere", "Silverleaf", "Knauf", "White & Case" каби етакчи компания ва банklar раҳбарлари, шунингдек, халқаро молиявий институтлар — Жаҳон банки, Халқаро молиявий корпорация, Осие тараққиёт банки ва Ислон тараққиёт банки вакиллари иштирок этди.

➔ 2

Бугун — Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун

ОЗОДЛИГИМИЗ ВА ГУРУР-ИФТИХОРИМИЗ ТИМСОЛИ



Давлат рамзлари ҳар бир мамлакатнинг суверенитети ва мустақиллигини ифодаловчи муқаддас тимсолдир. Ўзбекистоннинг давлат рамзлари халқимизнинг шон-шарафи, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида муҷассам этиб, шу юрда яшовчи ҳар бир фуқарога фахр ва ифтихор бағишлайди.

Ватанимиз истиқлолга эришгач, энг аввало, давлатимиз рамзлари тасдиқланди. Хусусан, 1991 йил 18 ноябрь куни халқимиз ёдида ўчмас ва қутлуг саналардан бири бўлиб қолди. Шу кун "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Мазкур қонуннинг 2 ва 3-моддаларида байроғимиз мамлакатимиз давлат суверенитетининг рамзи эканлиги, халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикасининг тимсоли бўлиши белгилаб қўйилди.

Таъкидлаш жоизки, 2010 йил 24 декабрь куни "Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари ҳақидаги айрим қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун имзоланди. Унга мувофиқ, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги, "Ўзбе-

кистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида"ги қонунлар ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қатор ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилди.

"Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонуннинг 4-моддаси тўртинчи қисмидаги "Янги ой ва юлдузларнинг" деган сўзлар "Оқ рангли янги ой ва ўн иккита оқ рангли беш қиррали юлдузларнинг" деган сўзлар билан алмаштирилди. Бу эса байроғимиз тасвири ҳақидаги тасавурни янада аниқлаштирди. Маълумки, янги ой — мустақиллигимизни, ўн икки юлдуз беғуборлик, донишмандлик ифодаси сифатида муқаддас Ватанимизда яшаётган инсонлар ҳаммиса қомилликка интилиши ва саодатга элтувчи йўлни танлашини билдиради.

➔ 3

«BETTER COTTON» ЮРТИМИЗДА ЎЗ ДАСТУРИНИ ИШГА ТУШИРМОҚДА

Бу ҳақда кеча Тошкентда барча манфаатдор ҳамкорлар иштирокида ўтказилган конференцияда эълон қилинди.

Мулоқот

"Better Cotton" — экология учун яхшироқ, жамият учун яхшироқ, келажак учун яхшироқ мавзудаги тadbир "Better Cotton" халқаро ноҳукумат ташкилоти томонидан Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссия ҳамда "Ўзтўқимачиликсаноат" уюмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Унда Олий Мажлис Сенати Раиси, Одам савдосига ва

мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссия раиси Танзила Норбоева, шунингдек, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, жумладан, Қишлоқ хўжалиги, Сув хўжалиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Пахтачилик кенгаши, бизнес уюшмалари раҳбарлари қатнашди.

➔ 2

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттиз бешинчи ялпи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттиз бешинчи ялпи мажлиси 2022 йил 18 ноябрь куни соат 10:00 да Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг мажлислар залида ўз ишчи бошлади.

Ялпи мажлис видеоконференцалоқ тарзида жорий йилнинг 18-19 ноябрь кунлари ўтказилиши режалаштирилган. Ялпи мажлис Сенатининг "YouTube" тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилади.

➔ 4

«ИСТЕЪМОЛ САВАТЧАСИ»

УНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ИҚТИСОДИЙ ВА ТИББИЙ ОМИЛЛАР БИЛАН ЧАМБАРЧАС БОҒЛИҚ.

Таҳлил

Бугунги кунда сайёраимизда 2 миллиард инсон темир моддаси ва А витамини каби одам организми учун ўта зарур бўлган органик микроэлементларни талаб даражасида истеъмол қилмайди. Шу туфайли аксарият болаларнинг ўсиши ва ривожланиши ортада қолмоқда. Буларнинг асосий сабаби соғлом овқатланиш ва турмуш тарзидаги камчиликлардир.

Таҳлилчиларнинг сўзларига қўра, бугунги кунда озиқ-овқат билан боғлиқ муаммолар ўта долзарб. Бунга аҳоли сонининг ўсиши, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш имкониятларидан етарли даражада фойдаланмаслик, ер ва сув чекланганлиги сабаб бўлаётди.

Иқтисодиётда "истеъмол саватчаси"га кирувчи қишлоқ хўжалиги

маҳсулотларини етиштириш жараёнлари ва аҳоли фаровонлигининг турли жиҳатларини ўрганишга етарлича эътибор қаратилаётган бўлса-да, бу муаммолар ҳамон мунозарали экани кўриниб қолмоқда.

"Истеъмол саватчаси" тушунчаси жорий этишда ва унинг илмий талқинида БМТ муҳим роль ўйнайди. Бу тушунча фанга биринчи марта ўтган асрнинг 70-йилларида БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) томонидан киритилган. Унга қўра "истеъмол саватчаси" — бу ҳар бир инсоннинг йиллик истеъмолининг нормал даражаси ҳамда тузилишини тавсифловчи барча турдаги товарлар йиғиндиси. Ўтган асрнинг 90-йилларида "истеъмол саватчаси" тушунчаси илмий адабиётлар ва расмий ҳужжатларда муомалага киритила бошлади.

➔ 4



ТУРКИЙ ЦИВИЛИЗАЦИЯДА ЯНГИ ДАВР БОШЛАНМОҚДА

Туркий давлатларнинг умумий тарихий ришталари — ягона дин, тил, анъана ва урф-одатлар улар ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари порлоқ эканлигидан далолат беради. Таъкидлаш жоизки, туркийлар бой маданияти ва санъати, урф-одатлари, адабиёти ҳамда соҳа ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк шахслари билан жаҳонга танилган. Шу оминлар боис Туркий давлатлар ташкилотининг (ТДТ)нинг ҳар бир саммитида маданий-гуманитар соҳада ҳамкорлик масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, аъзо давлатлар томонидан қатор ташаббуслар илгари суриб келинмоқда.



Устувор йўналишлардан бирига айлантиришга қаратилган лойиҳаларни илгари суриб келмоқда. Бунинг амалий исботи сифатида, бугунги кунда фаолият олиб бораётган ТДТ доирасидаги Туркий университетлари иттифоқини, 2018 йилда Боку шаҳрида Туркий кенгашининг биринчи таллаблари ўйинлари — Туркия университетларининг алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин. Қолаверса, Ёшлар фестиваллари, Туркий ёшлар оромгоҳи ва Туркий давлатларнинг ёш дипломатлари учун курслар мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

энергетика, ахборот технологиялари, туризм, инновация ва таълим, тиббиёт, ёшлар ва бошқа соҳалар бўйича вазирлар даражасида алоҳида кўмиталар тузиш тақдирини кўрилади.

Қолаверса, Котибиятнинг ўрни ва таъсирини ошириш учун келгуси саммитда унинг янги тузилмасини тасдиқлаш, давлат раҳбарлари томонидан қабул қилинаётган барча қарор ва ҳужжатларнинг қатъий назорат тизимини кучайтиришга ташкилотнинг Оқсоқолар кенгашини жалб этиш ташаббуслари илгари сурилди. Ташкилотнинг вазифалари доираси кенгайиб борар экан, Оқсоқоллар кенгашига, асосан, маслаҳат ва назорат функциялари белгилаб берилмоқда. Хусусан, давлат раҳбарлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар ихроси таъминлашнинг таҳлил этиб, муносабат билдириш бориш айна Оқсоқоллар кенгашига юклиниши кутилган самара беришига ишонилмоқда.

Самарқанд саммитида маданий-гуманитар соҳада ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича салмоқли қадамлар қўйилди. Хусусан, юртимизнинг Халқаро туркий маданият ташкилотига тўлақонли аъзо бўлишига чўқур манмуният билан алоҳида таъкидлаб ўтилди. ТУРКСОЙнинг 30 йиллигини нишонлаш доирасида келаси йилда диёримизда Туркий халқлар маданияти фестивалини ўтказиш тақдирини маълум қилинди. Бу тадбир туркий халқларнинг бой маданияти ва санъатини кенг тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида ургулаш керакки, жорий йилнинг октябр ойида мамлакатимизда ўзбек тилида "Туркий адаби-

ёт дурдоналари" номли юз жиллик муҳташам тўплам нашрдан чиқди. Мазкур тўпламга ТДТга аъзо мамлакатлар ва кузатувчи давлатлар адабиётининг сараланган намуналари киритилган бўлиб, Президентимиз ушбу адабиётларни ташкилотнинг бошқа аъзолари тилларида ҳам чоп этиш мақсадида мувофиқлигини таъкидлаб ўтди.

Президентимиз томонидан илгари сурилган яна бир ташаббус аллақачон амалда қўланиб, буюк шоир, мутафаккир ва давлат арбоби Алишер Навоий номидаги халқаро мукофот жорий қилинганидан барчанинг хабари бор. Навоий даҳосининг туркий дунё маънавий-маърифий ҳаётига қўшган беқиёс ҳиссасини инобатга олиб, фан, таълим, адабиёт, санъат, ижтимоий соҳалардаги ютуқлар ҳамда туркий дунё бирлигини мустақамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларни рағбатлантириш мақсадида таъсис этилган халқаро мукофотга Самарқанд саммитида буюк адиб ва жамоат арбоби, улуғ гуманист Чингиз Айтматов лойиқ топилди. Мукофот саммит давомида Кирғиз Республикаси Президенти Садр Жапаровга топширилди.

Умуман, Туркий давлатлар ташкилотининг Самарқанд саммитида муҳокама этилган масалалар ҳамда қабул қилинган қарорлар кўлами ва аҳамиятидан келиб чиқиб, туркий цивилизацияда янги давр бошланмоқда, десак, айни ҳақиқатдир.

Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси.

Мушоҳада

Самарқанд шаҳри мезонлик қилган ТДТ саммити ҳам шундай муҳим ташаббусларга бой бўлди. Хусусан, Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистоннинг Халқаро туркий маданият ташкилотини (ТУРКСОЙ)га тўлақонли аъзо бўлганлигини мамнуният билан эълон қиларкан, келгуси йили Туркий халқлар маданияти фестивалини ўтказиш борасидаги тақдирини тўлиқ маълум қилишди.

ТУРКСОЙнинг асосий мақсади соҳага оид алоқаларни ривожлантириш, туркий халқлар умумий моддий ва маданий меросини азбар-авайланиш ҳамда иход ахли ўртасида узоқ ҳамкорликка кўмак беришдан иборатдир.

Шунингдек, саммитда ёшлар масаласи устувор вазифалардан бири сифатида яна бир бор белгилаб олинди. Зеро, ташкилотга аъзо давлатлар аҳолисининг 40 фоизини айна ёшлар ташкил этади. Мазкур ташкилот бугунги кунга қадар ўз фаолияти давомида ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг илм-фан соҳасида самарали фаолият юрита олиши учун зарур

шарт-шароит яратишга қаратилган лойиҳаларни илгари суриб келмоқда. Бунинг амалий исботи сифатида, бугунги кунда фаолият олиб бораётган ТДТ доирасидаги Туркий университетлари иттифоқини, 2018 йилда Боку шаҳрида Туркий кенгашининг биринчи таллаблари ўйинлари — Туркия университетларининг алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин. Қолаверса, Ёшлар фестиваллари, Туркий ёшлар оромгоҳи ва Туркий давлатларнинг ёш дипломатлари учун курслар мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

Ташкилотнинг ушбу йўналишдаги фаолиятини янада жадаллаштириш борасида давлатимиз раҳбарининг 2019 йил октябрдаги Боку, 2021 йил ноябрдаги Истанбул саммитларида илгари сурилган ташаббуслари алоҳида эътиборга молик. Хусусан, Боку саммитида ёш тадбиркорлар учун янги имкониятлар ва барқарор бизнес муҳитини яратиш мақсадида ёш тадбиркорлар форумини ташкил этиш ташаббуси билдирилган бўлса, Истанбулда 2022 йилни турк дунёсида "Ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш йили" деб эълон қилиш ва кейинги саммитда мазкур масалани

ОЗОДЛИГИМИЗ ВА ФУРУР-ИФТИХОРИМИЗ ТИМСОЛИ

Давлат байрогининг тасвири туширилган белгилар Ўзбекистон Республикаси Фуқаро ҳаво кемалари давлат реестри ёки Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳаво кемалари — давлат реестрига киритилган ҳаво кемаларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Авиация маъмурияти ҳисобида турувчи экспериментал ҳаво кемаларига, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда автоматотранспорт воситалари ва улар тиркачаларининг давлат рўйхатидан ўтказиш рақам белгиларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг асосий чегара белгисига қўйилади.

Давлат байроғи тасвири туширилган белгилардан Ўзбекистон Республикасига тегишлиликни белгиллаш мақсадида предметлар, ўқув-тарбия жараёни, шунингдек, Ўзбекистон

Республикаси давлат мукофотларининг элементи сифатида фойдаланилиши мумкин. Таъкидлаш лозимки, байрогимиз республикамиз дунёда халқаро ҳамжамиятнинг тенглар ичра тенг аъзоси эканлигини англатади ва ўзида миллий-маданий анъаналаримизни муҳасамалаштиради. У бизнинг ҳеч кимдан ақс эмаслигимиз ҳамда асло кам бўлмаслигини яққол намоян этади. Шу нуқтаи назардан қараганда, байрогимизни эъзозлаш фуқароларда ўзининг қадр-қимматига, ўз мамлакатига ва шахсига бўлган ишонччи янада мустаҳкамлайди.

Бугунги кунда спортчиларимиз нуфузли мусобақаларда иштирок этиб, Ватанимиз байроғини балан ақс тарганидан ҳар биримизнинг қалбимиз фахр-ифтихор туйғуларига тўлади. Нафақат спорт соҳасида, шунингдек, илму маърифатда ҳам юртимизнинг шон-шарафини оламга ёяётган, байрогимиз юксакларда хил-

пираб турибди. Турли байрам тантаналари, мамлакатимиз аъзолари қатнашаётган халқаро миқёсдаги сиёсий, маданий-маърифий тадбирлар, нуфузли спорт мусобақаларида ҳам байрогимиз Ватанимизнинг шаъни, халқимизнинг гурурини ёрқин ақс эттирмоқда. Байроқ ўзида давлатнинг тарихий қиёфасини, урф-одатлари, маданияти, мамлакатнинг маъмурий-ҳудудий тузилишини ҳам мажозий равишда муҳасамалаштиради.

Бугунги кунда спортчиларимиз нуфузли мусобақаларда иштирок этиб, Ватанимиз байроғини балан ақс тарганидан ҳар биримизнинг қалбимиз фахр-ифтихор туйғуларига тўлади. Нафақат спорт соҳасида, шунингдек, илму маърифатда ҳам юртимизнинг шон-шарафини оламга ёяётган, байрогимиз юксакларда хил-

пирашига ўз ҳиссасини қўшиб келётган фидойи инсонларни кўриб, уларга ҳавас қиламиз. Аслини олганда, шу заминда яшаётган ҳар бир фуқаро давлатимиз рамзаларига нисбатан ҳурмат-эҳтиромда бўлиши, Ватанимиз равақига ўзининг ҳиссасини қўшишга интилиб яшаш лозим. Ҳар биримиз мана шу масъулиятни чуқур анласак ва ҳаракат қилсак, байрогимиз янада юксакларда ҳилпирайверади.

Аслида, барчамизнинг ниятимиз ҳам шу — давлатимиз байроғи тинч ва осойишта, овоз ҳамда эркин ҳаётимиз, ёруғ келажагимизга бўлган ишончимиз тимсоли сифатида доимо балан ҳилпирайверсин!

Тавakkal ЧОРИЕВ,
Козимжон ТОЖИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатылари.

ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ХАЛҚАРО МИҚЁСДАГИ ЭЪТИРОФИ

Кичик ёшдаги болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш мавзусида ЮНЕСКО билан ҳамкорликда мамлакатимизда ташкил этилган Бутунжаҳон конференцияси таълимнинг инсон ҳаёти ва жамият ривожланишидаги роли, таълим-тарбия тизимининг ва хусусан, унинг дастлабки босқичидаги энг муҳим вазифалари, ташкилий-методик хусусиятларини муҳокама қилишга бағишланди.

Акс садо

Анжуман жаҳон миқёсида аҳамиятга эга бўлиб, унда дунёнинг 150 дан ортиқ мамлакатларидан меҳмонлар, халқаро ташкилотлар мутасадди вакиллари ва таълим соҳасининг мутахассис-экспертлари қатнашиши бугунги кунда бошланч таълимни самарали ташкил этиш ва ривожлантириш глобал даражадаги долзарб аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлади.

Ушбу нуфузли халқаро анжуманининг Ўзбекистонда ўтказилиши мамлакатимизда сўнгги йилларда таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, уларнинг эътиборга молик амалий натижалари ва ушбу соҳада хорижий давлатлар билан илгари тажриба алмашиш тизими йўлга қўйилгани билан бевосита боғлиқ.

Анжуманда Президент Шавкат Мирзиёев ҳам иштирок этиб, ўз нуқтаи нazar дунёда кенг танилган буюк аждодларимиз Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Беруний, Ал-Фароғий ва Мирзо Улугбек ворислари бўлиши халқимиз, бугун Ўзбекистон хорижий кунда таълим тизимини тўбдан яхшилаш, болажонларимизга сифатли ва замонавий таълим бериб, мамлакатимиз учун юксак масъулият қадрлар тайёрлаш ва шу соҳада иқтисодиётимиздаги инқилобий ислохотлар тез суръатлар билан муваффақиятли амалга оширилаётганини таъкидлади.

Ҳақиқатан ҳам, кейинги йилларда мамлакатимизда ёшлар ва болаларга

масаласида алоҳида сессияни уюштириш шулар жумласидандир. Президентимиз, шунингдек, ота-оналарни болаларнинг сифатли таълим ва тарбия олиши, маънавий ва жисмоний баркамоллигини таъминлашдаги ролини, уларнинг қобилият ва салоҳиятларини тўлиқ намоян этиш борасидаги масъулиятини янада ошириш зарурлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг чиқишларидан сўнг сўз олган ЮНЕСКО Бош директори Одри Азуле хоним Ўзбекистонда ёшларни қўллаб-қувватлаш, болаларга таълим-тарбия бериш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларга юксак баҳо бериб, улар халқаро миқёсда эътироф этилаётгани ва ушбу тажрибани кенг ўрганиш амалий аҳамиятга эга эканлигини билдирди. Бу борада мамлакатимизда мактабга таълим тизими ташкил қилинганлиги ва унга давлат томонидан берилаётган катта эътибор таълим соҳасини ҳар томонлама ривожлантириш нуқтаи назаридан халқаро миқёсда ўрганиши талаб этадиган муҳим тажриба эканлигини алоҳида уруғ берди.

Анжуманининг тегишли масалалар бўйича шўба мажлисларида хорижий мамлакатлардан келган маърузачилар дунёнинг турли ҳудудларида кичик ёшдаги болаларни тарбиялаш ва таълим бериш бўйича мавжуд муаммолар, шу соҳада олиб борилаётган ишлар тўғрисида маълумотлар бердилар.

Мухтасар айтганда, давлатимиз раҳбарининг нуқти форум иштирокчилари ва экспертларда катта қизиқиш уйғотди. Мазкур Халқаро конференцияни мунтазам ўтказиш, 2024 йилда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Келажак саммити умумий кун тартибининг асосий мавзуларидан бирига мактабга таълим масаласини киритиш борасидаги ташаббуслар хорижий экспертлар томонидан юқори баҳоланди.

Эркин ЗОХИДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси.

эъзос ва эҳтиромда. У "Ўзбекистон халқ шоири" фахрий унвони, "Меҳнат шўҳрати" ва "Эл-юрт ҳурмати" орденлари билан мукофотланган. Шерият байрамга айланган мазкур тадбирда шоир иқодининг ўзига хослиги, фаолиятининг серқурралиги ҳақида сўз юритилди. Унинг шеърлари билан айтувчи дўблар қўшиқлар янгради. Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентини маслаҳатчиси Хайриддин Султонов иштирок этди.

«Халқ сўзи».

Йўловчи ташиш транспорти: ҲУДУДЛАРДА ИШЛАР ҚОНИҚАРЛИМИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси ҳамда Саноят, қурилиш ва савдо



масалалари қўмитаси ҳамкорлигида "Ҳудудларда йўловчи ташиш транспорти тизими йўлга қўйилганлик ҳолати ва истиқболдаги режалар" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбати

Унда куйи палата депутатлари, Транспорт вазирлиги мутасаддилари, вазирликнинг ҳудудий бошқармалари, "Uzbekistan Airways" АЖ, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ, "Тошшаҳартрансавт" АЖ раҳбарлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда йўловчи ташиш транспорти тизимини ривожлантириш борасида Транспорт вазирлиги томонидан қатор ишлар амалга оширилган. Хусусан, автомобил транспортини давра йўловчи ташувчи 3,5 миңдан ортиқ тадбиркорлик субъектлари ва 32 миң 976 нафар жисмоний шахс томонидан жами 110 миң 808 та автотранспорт воситасида йўловчи ташиш хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Ҳозирги кунда республика бўйича аҳолининг ўртача 22 фоизи, (Тошкент шаҳрида 33 фоиз) жамоат транспортидан фойдаланапти. Транспорт ва йўл ҳужайи ҳолатида 112 та инвестициявий лойиҳа доирасида 522,2 миллион АҚШ доллари ўзлаштирилмоқда. Жорий йилнинг январь — сентябрь ойлари якуни билан республика бўйича 586 та янги автобус ҳамда микроавтобуслар қилиб қўйилди, ҳудудларда йўловчи ташиш йўналишларига жойлаштирилди.

Шу даврда Қорақалпоғистон Республикасида 15 та, Бухорода — 2, Навоийда — 3, Наманганда — 5, Самарқандда — 5, Сурхондарёда — 1, Сирдарёда — 4, Фаранга аҳолий қўникчаларга эга бўлиб, вояга етишлари учун барча шароитнинг яратилиши мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг биринчи ва муҳим амалии ҳисобланади. Айнисча, бунда таълимнинг биринчи босқичи — мактабга таълим ниятида муҳим ўрнни тутди.

Мухтасар айтганда, давлатимиз раҳбарининг нуқти форум иштирокчилари ва экспертларда катта қизиқиш уйғотди. Мазкур Халқаро конференцияни мунтазам ўтказиш, 2024 йилда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Келажак саммити умумий кун тартибининг асосий мавзуларидан бирига мактабга таълим масаласини киритиш борасидаги ташаббуслар хорижий экспертлар томонидан юқори баҳоланди.

Эркин ЗОХИДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси.

тизим қолган вилоят марказларидаги автобус ва микроавтобусларга ҳам босқичма-босқич татбиқ этилади.

Тадбирда йил якунига қадар ўз ечимини кутаётган қатор ишлар амалга оширилиши, хусусан, 85 дона ўрта сифимли "SAZ LE-60" русумли ва 190 дона катта сифимли "MAN" русумли автобуслар харид қилиш, 17 та ер усти жамоат транспортининг янги йўналишларини жорий этиш ҳамда 50 та тирбанд чорраҳанинг ўтказувчанлик қобилиятини ошириш белгилаётгани ҳақида ҳам маълумот берилди.

Шу билан бирга, қишлоқни туман маркази билан, туман марказини вилоят маркази билан боғлайдиган жами 200 та автобус йўналиши ташкил этилади. Халқаро автобус йўналишларини қайта тиклаш бўйича ҳам ишлар олиб борилаётган. Хусусан, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида Самарқанд — Ирғели ҳамда Янгийўл — Ирғели, шунингдек, Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида Янгйер — Шахристон халқаро автобус йўналишларини очиб режалаштирилган. Уларда қатнов мунтазамлик касб этади.

Бундан ташқари, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан қўшни давлатлар билан тўғридан-тўғри давлатлар туристик автобуслар қатновини жорий этиш назарда тутилган. Бу борада ҳозир йилда қўшни давлатлар билан муносақаралар олиб бориш, уларнинг ижобий натижасига қўра, мамлакатимиз томонидан баҳарланидиган чоралар учун тармоқ жадал ишлаб чиқиш мақсад қилинган.

Давра суҳбатида амалга оширилган ишлар эътироф этилиб, мавжуд камчиликлари ва муаммоларни ўз вақтида бартараф қилиш бўйича тегишли тавсиялар берилди. Муҳокамалар давомида депутатлар томонидан ўртача ташланган саволларга мутасаддилардан атрафлича жавоблар олинди.

Қунда муҳокама этилган масалалар юзасида келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи».

Халқсевар ижодкорга Эҳтиром

Пойтахтимизда Ўзбекистон халқ шоири, атоқли жамоат арбоби Маҳмуд Тоир таваллудининг 70 йиллигига бағишланган маърифий тадбир бўлиб ўтди.

ижодий ташкилотларнинг вакиллари, ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунослар, шеърят мулқислари қатнашди.

Тадбирда мамлакатимизда адабиёт ривожига берилаётган эътибор, ижод аҳлининг ҳар то-

монлама қўллаб-қувватлаб келинаётгани таъкидланди.

Эзгулик, ватанпарварлик туйғулари куйчиси, халқсевар, заҳматқаш, дарёдил шоир Маҳмуд Тоир ҳам қўллаб-қувватлаб қатори ҳамда

Маънавият

"Яхшиликка келганман" деб номланган мазкур назм ва наво кечасида вазирик, идоралар,

эъзос ва эҳтиромда. У "Ўзбекистон халқ шоири" фахрий унвони, "Меҳнат шўҳрати" ва "Эл-юрт ҳурмати" орденлари билан мукофотланган. Шерият байрамга айланган мазкур тадбирда шоир иқодининг ўзига хослиги, фаолиятининг серқурралиги ҳақида сўз юритилди. Унинг шеърлари билан айтувчи дўблар қўшиқлар янгради. Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентини маслаҳатчиси Хайриддин Султонов иштирок этди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети жамоаси Жисмоний тарбия ва спорт илмий тадқиқотлар институти директори, профессор Рашид Маткаримовга онаси

Пошона НУРМЕТОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таззия ихор этилди.

